

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ



«ТАСДИҚЛАЙМАН»



08.00.07 - “Молия, пул муомаласи ва кредит”

иختисослиги бўйича таянч докторантурага кириш имтихони

ДАСТУРИ

Тошкент-2025

Таянч докторантура, докторантурага кирувчилар учун 08.00.07 “Молия, пул муомаласи ва кредит” ихтисослиги фанидан кириш имтиҳонларини ўтказиш дастури ТДИУ Кенгашининг 2025 йил «30» 10 даги 3-сон қарори билан тасдиқланган.

Тузувчилар: И.ф.д., проф. Н.Қўзиева
И.ф.д., проф. Х.Шеннаев
И.ф.д., проф. Ж.Атаниязов
И.ф.д., проф. М.Рустамов
И.ф.д., доц. Н.Шавкатов
И.ф.н., проф. Х.Қобулов
И.ф.д., проф. Э.Носиров

Такризчилар: 1. Tashkent International University “Илмий-тадқиқотлар ва инновациялар департаменти бошлиғи”, и.ф.д., профессор Д.А.Рахмонов.
2. “Корпоратив иқтисодиёт ва бизнес таҳлил” кафедраси профессори Р.Х.Карлибаева.

КИРИШ

Ўзбекистонда амалга оширилаётган изчил иқтисодий ислохотлар натижасида банк-молия тизимининг трансформациялашуви мамлакат иқтисодий сиёсатининг устувор йўналиши сифатида муҳим аҳамият касб этади.

Сўнгги йилларда амалга оширилган ва банк-молия тизимида пухта ўйлаб олиб борилган ислохотлар макроиқтисодий барқарорликни, иқтисодиётнинг юқори суръатлар билан ўсишини, инфляцияни прогноз кўрсаткичлари даражасида сақлаб қолишни таъминлади. Айни вақтда мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт йўлининг чуқур таҳлили, бугунги кунда жаҳон бозори конъюнктураси кескин ўзгариб, глобаллашув шароитида рақобат тобора кучайиб бораётгани давлатимизни янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш учун мутлақо янгича ёндашув ҳамда тамойилларни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқаришни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон тараққиётининг янги стратегиясида «Янги Ўзбекистон орзуси, бугунги кунларимизга нисбатан айтганда, ҳозирга даврнинг тақозоси, унинг асл қиёфасини, ҳаракатлантирувчи кучлари ва омилларини белгилайдиган ғоявий-маънавий асос, халқимизга хос яратувчанлик шижоати ва кенг кўламли ислохотларимизнинг яққол ифодасидир»¹ каби муҳим вазифалар белгилаб берилган.

Шу нуқтаи-назардан, 2022-2026 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг етти та устувор йўналиши бўйича тараққиёт стратегиясида мамлакатда макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолишнинг қуйидаги вазифалари белгилаб олинди:

- харажатларнинг ижтимоий йўналтирилганини сақлаб қолган ҳолда давлат бюджетининг барча даражаларида мутаносибликни таъминлаш, маҳаллий бюджетларнинг даромад қисмини мустаҳкамлашга қаратилган бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш;

- солиқ тўловчилар ўртасида солиқ юкини оптималлаштириш, солиққа тортиш тизими самарадорлигини янада ошириш йўналишларини ишлаб чиқиш, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва солиқ имтиёзларидан самарали фойдаланиш;

- банк тизимини ислох қилишни чуқурлаштириш ва барқарорлигини таъминлаш, банкларнинг капиталлашув даражаси ва депозит базасини ошириш, уларнинг молиявий барқарорлиги ва ишончлилигини мустаҳкамлаш, истиқболли инвестиция лойиҳалари ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлашни янада кенгайтириш;

- илғор халқаро тажрибада қўлланиладиган инструментлардан фойдаланган ҳолда, пул-кредит сиёсати ва тўлов тизимини янада такомиллаштириш,

¹ Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: 2021. – 460 б.

шунингдек, валютани тартибга солишда замонавий бозор механизмларини босқичма-босқич жорий этиш, миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш;

- суғурта, лизинг ва бошқа молиявий хизматларнинг ҳажмини уларнинг янги турларини жорий қилиш ва сифатини ошириш ҳисобидан кенгайтириш, шунингдек, капитални жалб қилиш ҳамда корхона, молиявий институтлар, молия бозорлари орқали аҳолининг эркин ресурсларини жойлаштиришдаги муқобил манба сифатида фонд бозорини ривожлантириш;

- халқаро иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш, жумладан, етакчи халқаро ва хорижий молиявий институтлар билан алоқаларни кенгайтириш, пухта ўйланган ташқи қарзлар сиёсатини амалга оширишни давом эттириш, жалб қилинган хорижий инвестиция ва кредитлардан самарали фойдаланиш.

“Молия, пул муомаласи ва кредит” ихтисослик фанлари мажмуаси бўйича докторантура ва таянч докторантурага кириш имтиҳонлари учун тайёрланган ушбу дастур ҳам талабгорларга молия-банк тизимига оид фанларнинг мазмунини очиб берувчи асосий саволлар таркибидан иборат. Ушбу дастур бугунги иқтисодиётни трансформациялашуви шароитида молия-банк тизимини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини очиб берадиган молия, бюджет, солиқ, банк, молия бозори, суғурта соҳаларига оид саволлар тўплами билан биргаликда, уларга жавоблар бўйича манбаларни ҳам ўз ичига олади.

Иқтисодиётдаги ўзгаришларни бўлғуси тадқиқотчи изланувчилар нафакат билишлари, балки илмий ишларида асосий йўналиш сифатида фойдаланишлар талаб қилинади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Молия ва молия тизими

“Ўзбекистон – 2030” стратегиясида мамлакат молия тизими ва молия бозорини ўрта ҳамда узоқ муддатли истиқболда ривожлантириш, уларнинг самарадорлигини ошириш, рақамли технологияларни жорий этиш ва халқаро стандартларга мослаштириш вазифалари. Молиянинг иқтисодий моҳияти – жамиятда пул маблағлари ҳаракати орқали ресурсларни тақсимлаш ва қайта тақсимлашдан иборат эканлиги, унинг асосий функциялари. Молия тизими. Давлат молияси, хўжалик юритувчи субъектлар молияси, суғурта, кредит ва капитал бозори. Молиявий муносабатлар. Нотижорат соҳада фаолият молияси. Молиявий қарорлар. Уй хўжаликлари даромад ва харажатларни режалаштириш, молиявий қарорлар қабул қилиш. Молиявий сиёсатнинг асосий мақсади. Фискал барқарорлик ва ижтимоий фаровонликни таъминлаш. Молиявий бошқарув органлари. Молиявий режалаштириш ва прогнозлаштириш. Молиявий назорат. Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ресурслари. Уларнинг асосий капитали, харажатлари, фойдаси ва молиявий натижалари. Молиявий рисклар. Молиявий кўрсаткичлар: рентабеллик, ликвидлик, фойдалилик ва капитал самарадорлиги. Стартапларни молиялаштириш. Турли мулкчилик шаклидаги корпоратив тузилмаларда молиявий ресурслар. Давлат молияси ва бюджет тизими. Давлат бюджети даромадлари, солиқли ва солиқ бўлмаган даромадлар. Бюджет сиёсати. Консолидациялашган бюджет тизими. Бюджетлараро муносабатлар. Давлат мақсадли жамғармалари. Ижтимоий соҳада аҳолининг пенсия, нафақа ва бошқа кафолатларини молиявий таъминлаш. “Яшил бюджетлаштириш”. Суверен фондлар фаолияти. Ислом молиясини ривожлантириш масалалари. Ўзбекистонда барқарор молиявий сиёсатнинг янги йўналишлари. “Ташаббусли бюджетлаштириш”, “Маҳалла бюджети” каби дастурларнинг моҳияти. Бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш, фискал стратегияни ривожлантириш ва давлат молиявий назоратини кучайтириш масалалари.

Давлат бюджети даромадларини шакллантириш ва прогнозлаштириш масалалари. Давлат бюджети харажатларини режалаштириш ва молиялаштириш. Давлат қарзларини бошқариш ва молиялаштириш. Консолидациялашган бюджет тушунчаси, уни тузишнинг зарурлиги ва мақсади. Бюджет сиёсатини амалга ошириш механизмлари. Бюджет тизими бюджетлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар шакллари. Марказий ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг бюджет тизимини бошқариш соҳасидаги ваколатлари. Бюджетлар даражалари ўртасида даромадлар ва харажатларнинг тақсимланиши. Бюджет таснифининг моҳияти. Бюджет таснифини тузишнинг асосий тамойиллари. Давлат бюджети тақчиллигини қоплаш манбалари таснифи, таркиби. Давлат бюджетининг ижтимоий мақсадлардаги харажатлари таркиби. Давлат бюджети тақчиллигини қоплашнинг ички ва ташқи манбалари. Ўзбекистон Республикасида бюджет

жараёнини ташкил этилиши ва унинг асосий босқичлари. Харажатлар сметаси – бюджет ташкилотлари молиявий режаси сифатида. Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари, манбалари ва фойдаланиш йўналишлари.

Солиқ тизими

Солиқларнинг иқтисодий моҳияти ва уларни жорий этишнинг объектив зарурлиги. Солиқларнинг ўзига хос белгилари. Солиқларнинг функциялари ва вазифалари. Солиқлар ва солиқсиз тўловларнинг ўхшаш ва фарқли жихатлари. Солиқ элементлари ва унинг таркиби. Солиқ имтиёзлари ва уларни қўллаш мезонлари. Солиқ юки ва уни аниқлашнинг турлари. Солиқ сиёсати ва таркиби. Солиқ сиёсатини ишлаб чиқишда ва амалга оширишда давлат ҳокимиятининг иштироки. Ўзбекистон Республикаси солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари. Солиқларнинг иқтисодий моҳияти ва мамлакатдаги макроиқтисодий барқарорликка таъсири. Солиқларнинг функциялари ва вазифалари. Солиққа тортишнинг амалдаги принциплари. Солиқ тўловчиларнинг солиқ мажбуриятлари. Пандемия шароитида аалга оширилаётган солиқ сиёсатининг устувор йўналишлари. Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимида мавжуд солиқлар ва йиғимлар. Умумдавлат солиқларининг турлари ва бюджет даромадларидаги улуши. Маҳаллий солиқларнинг турлари ва ундириш механизмлари. Солиқ солишнинг алоҳида тартиби. Солиқ ставкаларининг турлари ва миллий солиқ тизимида қўлланилиши. Солиқ механизмнинг асосий элементлари. Кичик бизнес субъектларини солиққа тортиш тартиби. Халқаро солиқ амалиётида иккиёқлама солиққа тортишни бартараф этиш.

Суғурта тизими

Суғуртанинг иқтисодий моҳияти. Суғуртанинг юзага келиш шарт-шароитлари. Суғуртанинг ўзига хос белгилари. Суғуртанинг функциялари. Суғуртанинг шакллари. Мажбурий суғурта. Ихтиёрий суғурта. Шахсий суғурта. Ҳаёт суғуртаси. Тадбиркорликни суғурталаш. Юкларни суғурталаш. Ўзаро суғурталашнинг хусусиятлари. Суғурта бозорини капитализация қилишнинг асосий мақсад. “Франшиза” тушунчаси ва унинг суғурта муносабатларидаги роли. Суғурта соҳасида суғурта назоратини ташкил этиш принциплари. Суғурта шартномаси ва суғурта полиси. Ўзбекистон Республикасининг “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонуни. Суғурта полисларини расмийлаштириш тартиби. Фуқароларни бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш шартлари. Суғурталашнинг асосий шартлари. Етказилган зарарларни аниқлаш, тўланадиган суғурта суммаларини ҳисоблаш ва уларни суғурта далолатномасида акс эттирилиши. Ўзбекистон Республикасида транспорт воситалари эгаларининг учинчи шахслар олдидаги жавобгарлиги.

Пул муомаласи ва банк иши

Пулнинг моҳияти ва намоён бўлиш шакллари. Пулнинг миқдорийлик назарияси. Пулнинг номиналлик назарияси. Металл пуллар назарияси. Замонавий монетаризм. Ж.М.Кейнснинг пулларга талаб ва пуллар таклифи хусусидаги назарий қарашлари.

Жамиятнинг иқтисодий ривожланишида пулнинг роли. Пулнинг пайдо бўлиши. Қоғоз пуллар. Кредит пуллари. Пулларнинг олтин билан таъминланиши. Банкноталар эмиссияси.

Ички талабни рағбатлантиришга қаратилган пул-кредит сиёсати ва уни амалга ошириш йўллари.

Пул муомаласи тушунчаси. «Пул айланмаси» тушунчасининг мазмуни. Пул айланмасининг таркиби: нақд ва нақдсиз пул айланмаси. Пул муомаласи қонуни. Пулга бўлган талаб ва таклиф. Пул массасининг таркиби ва динамикаси. Пул айланишининг суръати ва унинг пул массасига таъсири. Пул агрегатлари ва уларнинг тавсифи. Пулнинг қадрсизланиши ва унинг асосий сабаблари. Инфляция, сабаблари, турлари ва оқибатлари.

Ўзбекистонда инфляция ва инфляцион жараёнлар: унинг ўзига хос хусусиятлари; инфляцияга қарши кураш тадбирлари; инфляцияни юзага келтирувчи номонетар ва монетар омиллар.

Ўзбекистон Республикасида нақд пул муомаласининг ўзига хос хусусиятлари. Банкларнинг касса айланмасини прогнозлаш. Ўзбекистонда нақд пул ҳаракатини ташкил этиш ва уни назорат қилиш.

Глобаллашув шароитида жаҳон ҳўжалигида реал қийматга эга бўлмаган пул ҳажмининг кўпайиши сабаблари ва унинг олдини олиш йўллари.

«Пул тизими» тушунчасининг мазмуни. Пул тизимининг асосий шакллари: биметаллизм, монометаллизм, олтинга алмашинмайдиган кредит пуллари тизими. Пул тизимининг асосий элементлари. Пулнинг турлари. Қоғоз пуллар, келиб чиқиши ва қадрсизланиш сабаблари. Кредит пуллари, вексель ва вексель муомаласи. Банкноталар. Чеклар ва чек муомаласи. Пластик карточкалар. Пул эмиссияси тартиби. Пул мультипликатори. Пулнинг харид қобилияти ва унинг барқарорлигини таъминлаш.

Ўзбекистон Республикаси пул тизими: миллий пул бирлиги «сўм»нинг барқарорлигини мустаҳкамлаш истикболлари.

Пул маблағларининг улкан эмиссияси натижасида муомалада ортиқча пул массасининг пайдо бўлишининг салбий оқибатлари ва унга йўл қўймаслик чоралари.

Кредитнинг моҳияти. Кредитнинг функциялари. Кредитнинг шакллари ва турлари.

Банк кредити ва унинг бозор иқтисодиёти шароитида ривожланиши. Тижорат кредити ва унинг ривожлантириш истикболлари. Ижтимоий-йўналтирилган бозор иқтисодиёти шароитида давлат кредити.

Ссуда капитали ва кредит. Ссуда фоизининг мазмуни ва унинг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар. Ссуда фоизининг меъёри. Пул-кредит орқали тартибга солиш тизимида марказий банкнинг фоиз сиёсати.

Ссуда капиталлари бозори. Ссуда капиталлари бозорининг моҳияти ва функциялари. Ўзбекистон Республикасида ссуда капиталлари бозорининг шаклланиши ва ривожланиши.

Тижорат банклари кредит портфелида узок муддатли кредитлар салмоғини янада ошириш чора-тадбирлари.

Қишлоқ жойларида уй-жой қурилишини кредитлашни кучайтириш йўллари.

Банкларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши. Иқтисодиётда бозор муносабатларининг ривожланишида банклар ролининг кучайиши. Ўзбекистон Республикаси банк тизими. Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонуни.

Марказий банк фаолиятининг мақсади ва функциялари. Миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш - Марказий банкнинг бош мақсади. Иқтисодиётни пул-кредит тизими орқали тартибга солишда Марказий банкларнинг роли.

Тижорат банклари функциялари ва турлари. Молиявий воситачилик - банкларнинг асосий фаолияти. Молия бозорларини тартибга солиш ва эркинлаштириш шароитида банклар. Банклар - Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларни амалга ошириш локомотивидир. Банкларни таркибий ташкил этиш ва бошқариш. Банк акциядорлик корхонаси сифатида. Тижорат банкларининг Марказий банк билан ўзаро муносабатлари. Марказий банк банкларнинг банки сифатида. Марказий банкнинг пул-кредит сиёсати ва уни амалга ошириш механизми.

Тижорат банклари ресурсларининг депозитли манбалари. Тижорат банклари ресурсларининг депозитсиз манбалари. Тижорат банкларининг умумий капитали ва унинг функциялари. Умумий капиталнинг таркиби. Асосий капитал ва унинг таркиби. Қўшимча капитал ва унинг таркиби. Капитални етарли даражасини тавсифловчи молиявий коэффициентлар.

Аҳолининг пул маблағларини банкларга жалб этиш жараёнига таъсир этувчи омиллар.

Депозитларга тўланадиган фоизлар ва уларга таъсир қилувчи омиллар.

Банк хизматларининг янги турларини жорий этиш йўллари. Аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг банклардаги бўш пул маблағларини депозитларга жалб этишни кўпайтириш бўйича белгиланган вазифалар.

Пул айланмаси тушунчаси. Накд пуллик ва нақд пулсиз ҳисоб-китоблар. Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг асосий шакллари.

- мемориал ордерлар билан ҳисоб-китоблар;
- тўлов топшириқномаси билан ҳисоб-китоблар;
- тўлов талабномаси билан ҳисоб-китоблар;
- аккредитивлар билан ҳисоб-китоблар;
- инкассо бўйича ҳисоб-китоблар;

Тўлов оборотининг янги воситалари: пластик карточкалар, электрон пуллар тизими. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида электрон пулларни чиқарилиши ва муомалада бўлиши қоидалари.

Факторинг ва унинг Ўзбекистонда фойдаланиш амалиёти.

Тўловсизлик муаммосининг сабаблари, оқибатлари ва уни ҳал қилиш йўллари.

Ўзбекистон Республикасида «Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида»ги қонун.

2020-2025 йилда давлат банкларини трансформация қилиш. Банкларнинг фаолиятини бозор тамойиллари ва халқаро стандартларга мувофиқ қайта ташкил қилиш. Ўзбекистон банк тизимида хусусий капитал иштирокини кенгайтириш ва рақобат муҳитини кучайтириш. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ – 5992-сонли «2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси» бўйича Фармони.

Банк-молия тизимини ислоҳ қилиш ва ривожлантиришнинг устувор йўналишлари:

1. Банк тизимининг самарадорлигини ошириш;
2. Банкларнинг молиявий барқарорлигини ошириш;
3. Банк хизматлари оммабоплигини ошириш;
4. Банк тизимида давлат улушини қисқартириш.

Мамлакат банк-молия сектори ривожланиш даражаси ва барқарорлигини баҳолаш.

Хўжалик субъектларини кредитлаш – банкларнинг асосий вазифаси. Банк активлари таркибида кредитлар. Банк кредитлашининг тамойиллари. Тижорат банкларининг кредит сиёсати. Кредитлаш объектлари ва субъектлари. Қарз олувчининг кредитга лаёқатлилиги в

Тижорат банкларининг кредит портфели ва уни баҳолаш.

Кредитнинг қайтарилиши ва уни таъминлаш йўллари. Гаров ва гаров механизмлари. Кафолат. Кредитлашда рисклар. Фоизли риск ва унинг келиб чиқиш сабаблари. Суғурта rischi. Рискларни баҳолаш ва уларни пасайтириш йўллари. ва улар сифатининг таснифи.

Кредит портфелини диверсификациялашнинг мақсади. Кредит портфелини диверсификациялашнинг асосий йўналишлари.

Хўжалик юритувчи субъектларни қисқа муддатли кредитлашнинг замонавий усуллари. Кредит линияларини очиб ва алоҳида ссуда счётидан кредитлашнинг тавсифлари. Контокоррент шаклида кредитлаш. Овердрафт бўйича кредитлаш. Овернайт. Ломбард кредити. Синдициялашган кредитлар. Ипотека ва ипотекали кредитлаш. Истеъмол кредити ва уни ривожлантириш истиқболлари. Микрокредитлаш ва унинг хусусиятлари. Қишлоқ хўжалик субъектларини кредитлаш ва унинг ўзига хос хусусиятлари.

Муаммоли кредитлар: келиб чиқиш сабаблари ва уларни бошқариш усуллари. Кредит қайтарилмаган ҳолатларда захираларни ташкил қилиш тартиби.

Узоқ муддатли кредитлашда инвестицион лойиҳаларнинг самарадорлигини баҳолаш.

Кредит шартномасининг мазмуни, томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

Иқтисодийнинг реал сектори ҳамда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш мақсадида Республикамиз банклари томонидан берилаётган кредитлари ҳажмини янада ошириш йўллари.

Тижорат банклари инвестицион фаолиятининг тавсифи. Тўғри ва портфелли инвестициялар. Инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш. Инвестицион лойиҳалар самарадорлигини иқтисодий баҳолаш. Соф дисконтли даромад. Инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш манбалари. Инвестицион лойиҳаларга банк кредитлари. Синдициялашган кредитлар - инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда рискларни камайитириш ва маблағлар жалб этиш усули сифатида.

Банкларнинг портфелли инвестициялари: мақсади ва вазифалари. Қимматли қоғозлар бозорида банк операциялари. Банкларнинг траст операциялари. Ўзбекистонда банкларнинг инвестицион операцияларини ривожлантириш истикболлари.

Инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш жараёнида банкларнинг фаоллигини ошириш йўналишлари. Тижорат банкларини йирик инвестиция институтларига айлантиришнинг долзарб масалалари.

Инвестицияларнинг иқтисодийни ривожлантиришдаги ўрни ва аҳамияти. Инвестицион лойиҳалар: моҳияти ва мазмуни.

Ўзбекистон Республикасида Давлатнинг инвестицион сиёсат дастури. Инвестицион бизнес-режалаштириш. Инвестицион лойиҳалар экспертизаси ва комплекс таҳлили. Инвестицион лойиҳалар рискларини камайитиришда комплекс экспертизанинг роли. Инвестицион лойиҳалар самарадорлигининг таҳлили (молиявий, иқтисодий, ижтимоий).

Лойиҳавий молиялаштиришни ташкил этиш. Лойиҳавий молиялаштиришда мониторинг. Алоҳида мураккаб инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш хусусиятлари. Лойиҳавий молиялаштиришнинг камчиликлари ва афзалликлари.

Пул-кредит сиёсати – макроиқтисодий тартибга солиш воситаси сифатида. Пул-кредит орқали тартибга солишнинг Кейнсча ва монетаристик концепциялари. Макроиқтисодий тартибга солиш тизимида монетар ва фискал-бюджет сиёсати.

Пул-кредит орқали тартибга солишда Марказий банкнинг роли. Пул-кредит орқали тартибга солиш инструментлари.

Қайта молиялаш сиёсати. Қайта молиялаш ставкаси ва унинг депозит ва кредит ставкаларини шаклланишидаги роли.

Мажбурий захира сиёсати ва унинг тижорат банклари кредит салоҳиятига таъсири.

Очиқ бозор сиёсати ва унинг муомаладаги пул массасининг динамикасига таъсири.

Пул-кредит орқали тартибга солиш тизимида валюта сиёсати ва валюта орқали тартибга солиш.

Пул массаси устидан назорат. Монетар индикаторлар ва уларнинг тавсифи. Пул массасини пул бозори орқали бошқариш.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки пул-кредит сиёсатининг асосий йўналишлари.

Ички талабни молиявий рағбатлантириш, банкларнинг капиталлашиш даражасини янада ошириш, тижорат банкларининг ресурс базасини мустаҳкамлаш бўйича белгиланган вазифалар.

Банк фаолиятини ташкил этиш ва банкларни бошқариш тузилмаси.

Банк фаолиятини тартибга солиш ва назорат. Тижорат банклари ресурсларини бошқариш.

Ликвидлиликни таъминлаш - банк ресурсларини бошқаришнинг асосий мақсади.

Банк активларини бошқариш. Активларни бошқаришнинг мақсади ва вазифалари. Тижорат банклари активларини бошқариш усуллари. Банк рисклари ва уларнинг турлари. Рискларни баҳолаш ва бошқариш усуллари. Активларни диверсификациялаш - банк рискларини камайтириш ва даромадлиликни таъминлашнинг асосий шарти сифатида. Банк тискларини бошқариш. Банкларда риск-менежмент тушунчаси.

Тижорат банки фойдаси ва рентабеллиги. Фойдани кўпайтириш йўллари. Банк фойдасини тақсимлаш. Банкнинг фоиз сиёсати. Тижорат банклари фаолиятининг молиявий кўрсаткичлари.

Тижорат банклари фаолиятида корпоратив бошқарувни такомиллаштиришнинг ўрни.

Тижорат банклари фаолиятини баҳолаш мезонларини ўзгартириш. Узоқ муддатли кредит қўйилмалари улушини ички манбаларни жалб этиш орқали ошириш йўллари.

Ўзбекистон Республикасида “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги қонун.

Халқаро банкларнинг молия бозорида валюта муносабатлари. Форфейтинг операциялари. Тижорат банкларининг валюта операциялари. Валюта операциялари турлари. Марказий банкнинг валюта сиёсати ва уни бошқариш инструментлари. Муддатли валюта операциялари. Валюта операциялари қонунчилиги. Халқаро ҳисоб-китоб шакллари. Халқаро кредитлар ва уларнинг турлари. Халқаро кредит рискларини бошқариш. Валюта операцияларини хеджинглаш ва суғурталаш.

Халқаро рейтинг агентликлари ва уларни Ўзбекистон банк тизимидаги фаолияти. Ўзбекистонда экспорт-импорт операциялари. Тўлов баланси, моҳияти ва ташкилий тузулиши. Ўзбекистонда тўлов балансини бошқариш масалалари.

Экспортга маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарни кредитлаш жараёни мониторинги. Зарар кўриб ишлаётган ва иқтисодий ночор корхоналарни

соғломлаштиришда банк маркетингининг ролини ошириш бўйича белгиланган вазифалар.

Инвестиция ва инвестициялар (лойиҳалар)ни молиялаштириш

Инвестицияларнинг иқтисодий мазмуни ва моҳияти. Инвестицияларнинг таснифланиши. Инвестицияларнинг иқтисодиётни ривожлантиришдаги ўрни ва аҳамияти. Инвестиция портфели. Реал ва молиявий инвестициялар, уларнинг фаркли жиҳатлари. Инвестиция фаолиятни ривожланишида давлатнинг роли. Инвестиция фаолиятининг меъёрий-ҳуқуқий асослари.

Инвестиция муҳити тушунчаси ва уни тавсифловчи кўрсаткичлар. Инвестиция муҳитини баҳолаш параметрлари. Инвестиция муҳитини белгиловчи омиллар. Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар. Республикамизда инвестицион муҳитни янада яхшилаш, имтиёзлар ва преференциялар бериш. Ўзбекистон Республикасида инвестиция сиёсатининг асосий йўналишлари.

Чет эл инвестицияларининг мамлакат иқтисодиётига таъсири. Чет эл инвестицияларини давлат томонидан тартибга солиш воситалари. Чет эл капиталлари кириб келишини рағбатлантирувчи омиллар. Хорижий ва маҳаллий инвесторларга бериладиган солиқ, молиявий ва бошқа имтиёзлар.

Инвестиция фаолиятини молиялаштириш тартиби ва усуллари. Инвестиция фаолиятини молиялаштиришнинг бозор механизмлари. Лизинг инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш манбаи сифатида.

Инвестицион лойиҳалар: моҳияти ва мазмуни. Инвестиция лойиҳаси тушунчаси ва инвестицион лойиҳалар тавсифи. Инвестиция лойиҳалари самарадорлигини баҳолашнинг статистик ва динамик усуллари. Лойиҳавий таҳлил ва унинг йўналишлари. Инвестиция лойиҳалари самарадорлигини баҳолашнинг дисконтлашга асосланган концепцияси.

Лойиҳа рисклари тушунчаси ва уларнинг таснифланиши. Лойиҳа рискларини баҳолаш. Лойиҳаларни молиялаштиришда рискларни ҳисобга олиш ва бошқариш.

Инвестицион лойиҳаларни синдициялашган кредит ҳисобига молиялаштиришни ташкил этиш. Синдициялашган кредитлашни амалга ошириш учун банк синдикатини ташкил этиш тартиби. Синдициялашган кредитлаш, унинг ҳисобини юритиш, мониторингини олиб бориш ва қарзларни қайтариш тартиби.

Инвестиция фаолиятида давлат-хусусий шериклигининг юзага келиши ва ривожланиши. Давлат-хусусий шериклигининг меъёрий-ҳуқуқий асослари. Давлат-хусусий шериклигининг асосий шакллари ва уларнинг хусусиятлари. Хорижий мамлакатларда давлат-хусусий шериклигининг модел ва механизмлари.

Инвестиция лойиҳалари экспертизаси ва комплекс таҳлили. Инвестиция лойиҳаларига таъсир қилувчи рискларни камайитиришда лойиҳаларни комплекс экспертиза қилишнинг роли. Инвестиция лойиҳаларини бошқариш. Йирик инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда лойиҳавий молиялаштиришни ташкил этиш. Лойиҳавий молиялаштиришнинг камчиликлари ва афзалликлари. Инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш банкларнинг ўрни ва роли.

Қимматли қоғозлар ва молия бозори

Қимматли қоғозлар замонавий иқтисодиётнинг асосий иқтисодий категорияси сифатида.

Қимматли қоғозларнинг пайдо бўлиши ва эволюцияси. Қимматли қоғозларнинг туркумланиши. Бозор иқтисодиётида қимматли қоғозларнинг функциялари.

Катта спекулятив ўйинлар ва янги молиявий “кўпиклар” нинг юзага келиши сабаблари ва уларни олдини олиш чора-тадбирлари.

Акцияларнинг қўлланилиши ва мазмуни. Ўзбекистон Республикаси эмитентлари томонидан чиқариладиган турли хилдаги акцияларнинг классификацияси ва таркиби.

Облигацияларнинг мазмуни ва қўлланилиши. Турли хилдаги облигацияларнинг классификацияси. Облигациялар даромадлигини баҳолаш услуги. Тижорат банклари томонидан чиқариладиган жамғарма сертификатларнинг мазмуни ва қўлланилиши.

Ўзбекистон Республикасида банк сертификатларини чиқариш ва муомалада бўлиш хусусиятлари.

Ҳосилавий қимматли қоғозларнинг қўлланилиши ва функциялари. Опционларнинг фундаментам хусусиятлари ва уларнинг классификацияси. Варрантларнинг мазмуни ва қўлланилиши. Опцион шартнома ва варрант ўртасидаги фарқ.

Фьючерсларнинг фундаментал хусусиятлари. Ўзбекистон Республикасида ҳосилавий қимматли қоғозлар бозорининг ҳозирги ҳолати ва ривожланиш истикболлари

Давлат қимматли қоғозларининг функциялари ва қўлланилиши. Давлат қимматли қоғозларининг турлари.

Ўзбекистон Республикасида давлат қисқа муддатли облигацияларининг қўлланилиши, мазмуни ва чиқарилиш тартиби. Ўзбекистон Республикасида давлат қисқа муддатли облигациялари бозорининг иштирокчилари. Давлат қисқа муддатли облигацияларининг шартлари ва чиқарилиш тартиби. Давлат қисқа муддатли облигациялари билан амалга ошириладиган операцияларнинг турлари.

Қимматли қоғозлар бозори иштирокчилари тушунчаси. Мамлакат фонд бозорининг асосий иштирокчилари тузилмаси, классификацияси ва функциялари.

Эмитентлар фаолияти мазмуни ва функциялари. Ўзбекистон қимматли қоғозлар бозорида эмитентларнинг категориялари ва улар фаолиятининг хусусиятлари.

Инвестор фаолияти мазмуни ва функциялари. Инвесторларнинг категориялари ва уларнинг фонд бозорида фаолиятининг хусусиятлари.

Эмитент ва инвесторларнинг Ўзбекистон қимматли қоғозлар бозорининг асосий иштирокчилари сифатида ўзаро муносабатлари ва механизми.

Инвестицион институтни қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчиси сифатида моҳияти.

Ўзбекистон қимматли қоғозлар бозорида фаолият юритувчи инвестицион институтларнинг асосий турлари.

Қимматли қоғозлар бозорида молиявий воситачилар фаолиятининг мазмуни, вазифа ва функциялари. Инвестицион воситачилар (брокер, дистрибьютер ва бошқалар)нинг туркумланиши.

Инвестицион дилернинг турли қимматли қоғозлар бозоридаги фаолиятининг хусусиятлари, мазмуни ва функциялари. Инвестицион компания тузилмаси, таркиби ва фаолиятининг тамойиллари.

Қимматли қоғозлар бозорида фаолият юритувчи инвестицион маслаҳатчилар фаолиятининг моҳияти, функциялари ва хусусиятлари. Инвестицион маслаҳатчиларнинг турлари ва фаолият соҳаси.

Ўзбекистон Республикасида қимматли қоғозлар бозори ташкил топишининг объектив ва субъектив асослари. Қимматли қоғозлар бозорини пайдо бўлиш тарихи ва ташкил этилишининг босқичлари. Ўзбекистон фонд бозорини ташкил этилиш моделининг узвий қонуниятларн ва ўзига хос хусусиятлари. Ўзбекистон Республикасида фонд бозорини ташкил этишнинг иқтисодий ва молиявий муҳити. Қимматли қоғозлар бозорини шаклланиш жараёнининг ҳуқуқий таъминланиши.

Ўзбекистон Республикаси фонд бозорининг умумий тузилмаси ва амал қилиш механизми.

Ўзбекистон Республикасида қимматли қоғозлар бозорининг шаклланишидаги муаммолар.

Қимматли қоғозлар бозори инфратузилмаси тушунчаси. Фонд бозори инфратузилмасининг мақсади ва фаолияти. Ўзбекистон фонд бозори институционал ривожланишида инфратузилманинг ўрни ва функцияси.

Миллий қимматли қоғозлар бозори инфратузилмасининг элементларини классификацияси. Қимматли қоғозлар бозорининг махсус инфратузилмаси. Фонд бозорининг ахборот инфратузилмаси. Қимматли қоғозлар бозорининг техник инфратузилмаси. Қимматли қоғозлар бозорининг бошқарув инфратузилмаси.

Қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиларининг ўз - ўзини бошқариш ташкилотлари ва уларнинг фаолият механизми.

Инвестицион фондлар (ИФ) таркиби, функциялари ва фаолиятидаги чекловлар.

Ўзбекистон Республикасида хусусийлаштириш инвестиция фондлари (ХИФ) функциялари, мазмуни ва фаолияти хусусиятлари. ИФ ва ХИФ лар ўртасида принципиал фарқлар.

Бошқарувга компания тушунчаси, функциялари ва фаолияти мазмуни. Қимматли қоғозлар бозорида депозитар институтлар фаолиятини ташкил этиш хусусиятлари ва қонуниятлари. Марказий депозитарийнинг амал қилиш механизми ва бошқарув тузилмаси. Қимматли қоғозлар бозорида ҳисоб - клиринг фаолияти ва унинг функциялари.

Фонд бозорида қимматли қоғозлар реестри фаолиятининг мазмуни. Қимматли қоғозлар реестри ва номинал ушловчилари ўртасидаги фарқ.

Ўзбекистонда биржавий қимматли қоғозлар бозорининг пайдо бўлиш тарихи ва шаклланишининг босқичлари. Қимматли қоғозлар миллий бозори ривожланишида "Тошкент " Республика фонд биржасининг ўрни ва роли. "Тошкент" РФБ асосий функцияси ва мавқеи. "Тошкент" РФБ ни ташкил этиш ва фаолиятининг қонуниятлари.

"Тошкент" РФБ таъсисчилари таркиби ва бошқарув тузилмаси. "Тошкент" РФБ ишлаш механизми. Биржага қимматли қоғозларни чиқариш шартлари. Қимматли қоғозлар экспертизасини амалга ошириш тартиби. Листинг ва делистинг тушунчаси. Қимматли қоғозлар қотировкаси тушунчаси. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти ривожланишида "Тошкент" РФБ нинг ўрни.

Биржадан ташқари бозорнинг қимматли қоғозлар савдосини марказлашмаган шаклда ташкил этиш сифатида тушуниш. Биржадан ташқари иккиламчи савдонинг чет эл тажрибаси ва қимматли қоғозлар бозорини ташкил этишга таъсири.

Фонд бозорида қимматли қоғозлар билан операциялар тушунчаси, моҳияти ва хусусиятлари. Қимматли қоғозлар билан операция турларининг классификацияси. Қимматли қоғозлар билан боғлиқ эмиссион операциялар кўлами ва моҳияти.

Акциянинг турли категорияларини чиқариш механизми ва тартиби. Эмиссия лойиҳасининг кўлами ва тузилмаси. Қимматли қоғозлар эмиссияси натижасини рўйхатга олиш.

Облигацияларни чиқариш кўлами, тартиби ва технологияси. Облигациянинг турли хил категорияларини чиқариш хусусиятлари. Облигацияларнинг иқтисодий самарадорлиги, уларни чиқариш ва тўлаш билан боғлиқ рискларни баҳолаш.

Векселларни чиқариш кўлами, функцияси ва тартиби. Векселларнинг турли хилдаги муомаласи, тўлаш механизми ва хусусиятлари.

Клирингни, қимматли қоғозлар билан ҳисоб операциялар мажмуи сифатида тушуниш. Қимматли қоғозлар бозорида клиринг ва ҳисобнинг асосий функциялари.

Клиринг ва ҳисоб турларини қимматли қоғоз тури, битимнинг марказлашганлик даражаси, хизмат кўрсатиш кўлами ва бошқалардан келиб чиққан ҳолда классификациялаш.

Қимматли қоғозлар билан битимлар бўйича клиринг ва ҳисобларни узвий қонуниятларда ташкил этиш. Ўзбекистон қимматли қоғозлар бозорида клиринг - ҳисоб фаолиятининг мазмуни ва хусусиятлари.

Қимматли қоғозлар бозорини тартибга солишда давлатнинг ўрни. Давлатнинг мафкуравий ва қонунчилик функциялари. Қимматли қоғозлар бозорининг молиявий барқарорлиги ва хавфсизлигини назорати. Фонд бозори шаффофлигини таъминлаш.

Инвесторларни йўқотишлардан ҳимоя қилиш тизимини шакллантириш. Ўзбекистон Республикасида қимматли қоғозлар бозорини давлат томонидан тартибга солиш қонуниятлари. Ўзбекистон Республикасида қимматли қоғозлар бозорини тартибга солувчи давлат органлари тузилмаси.

Халқаро молия муносабатлари

Замонавий глобал иқтисодиётда халқаро молиявий муносабатларнинг роли. Халқаро молиявий муносабатларнинг тартибга солиниши. Халқаро молия муносабатлари ривожланишининг замонавий тенденциялари. Жаҳон молиявий муҳити ва унда халқаро молия муносабатларининг тутган ўрни. Миллий иқтисодиёт ривожланишида халқаро молия муносабатларининг роли ва аҳамияти. Глобаллашув жараёнининг асосий манбалари, омиллари ва ривожланиш босқичлари. Глобаллашувнинг миллий иқтисодиёт барқарорлигига таъсири. Жаҳон молиявий архитектурасининг моҳияти ва таркибий тузилмаси. Халқаро молия тизимининг моҳияти, таркиби ва ривожланиш хусусиятлари.

Халқаро молия бозори. Халқаро молия бозорининг валюта сектори. Халқаро кредит бозори. Халқаро фонд бозори. Халқаро суғурта бозори. Замонавий халқаро олтин бозори. Халқаро ҳосилавий молиявий инструментлар бозори. Халқаро молиявий марказлар ва уларнинг ривожланиш хусусиятлари. Халқаро капитал ҳаракатининг моҳияти ва халқаро молия бозорининг таркибий тузилиши.

Факторинг ва форфейтинг операцияларининг моҳияти. Халқаро лизинг операциялари. Тўлов балансининг моҳияти ва таркиби. Тўлов балансининг таркиби ҳамда уларга ҳос хусусиятлар. Тўлов балансига таъсир этувчи омиллар ва уни тартибга солишнинг асосий усуллари.

Жаҳон банки гуруҳи ва унга кирувчи ташкилотлар фаолияти. Жаҳон валюта тизимини тартибга солишда Халқаро валюта фондининг роли ва вазифалари. Трансмиллий корпорациялар фаолиятининг асосий хусусиятлари ва ривожланиш босқичлари. Мамлакат ташқи қарзини бошқаришнинг асосий йўллари. Жаҳонда молия-саноат гуруҳлари шаклланиши ва ривожланишининг асосий жиҳатлари. Халқаро иқтисодий интеграциянинг моҳияти, мақсади ва асосий шарт-шароитлари. Ўзбекистонда ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш чора-тадбирлари. Молиявий инқирознинг моҳияти ва хусусиятлари. Халқаро молия ташкилотларининг асосий функциялари ва мақсадлари. Халқаро корпорациялар ва уларнинг асосий шакллари. Трансмиллий корпорациялар фаолиятининг ўзига ҳос хусусиятлари. Халқаро бирлашиш ва қўшиб олишлар ривожланишининг ўзига ҳос

хусусиятлари. Халқаро иқтисодий интеграциянинг моҳияти, вазифалари ва интеграцион бирлашмаларнинг асосий шакллари.

Халқаро капитал ҳаракатининг замонавий тенденциялари. Халқаро молия бозори ва унинг таркибий тузилмаси. Халқаро молия бозорини тартибга солишнинг асосий усуллари. Халқаро молиявий рискларнинг моҳияти ва уларни бошқариш усуллари. Халқаро рейтинг агентликлари ва улар фаолиятининг асосий хусусиятлари. Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги асосий вазифалари. Ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари. Ўзбекистоннинг халқаро молия ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлик алоқалари.

Халқаро валюта-кредит муносабатлари

Валюта муносабатлари ва валюта тизимининг асосий хусусиятлари. Валюта тизими тушунчаси ва кўринишлари. Валюта тизимининг элементлари. Валюта бозорлари: тушунчаси, функциялари ва иштирокчилари. Валюта курсига таъсир этувчи ва аниқловчи омиллар. Валюта муносабатларини бошқариш. Валюта операцияларининг классификацияси. Чет эл валютаси иштирокидаги муддатли битимлар. Форвард операцияларининг умумий тавсифи. Своп операцияларининг моҳияти. Своп келишувларидан фойдаланиш. Спот кўринишидаги операциялар. Фьючерс операцияларининг умумий тавсифи. Валюта фьючерсларининг ўзига хос хусусиятлари. Валюта фьючерслари билан операцияларни амалга ошириш механизми.

Валюта тизимининг моҳияти ва унинг асосий турлари. Жаҳон валюта тизими ва унинг ривожланиш босқичлари. Манделл-Флеминг моделининг моҳияти ва халқаро молия муносабатларидаги роли. Европа валюта тизими ривожланишининг замонавий тенденциялари. Валюта курснинг моҳияти, турлари ва унга таъсир этувчи омиллар. Муддатли валюта операциялари. Халқаро валюта бозори ва ундаги операциялар.

Валютани тартибга солиш ва валюта назорати. Валюта сиёсати ва уни амалга оширишда қўлланиладиган инструментлар. Валюта курсини барқарорлаштириш сиёсати. Девальвация ва ревальвацияларнинг ташқи савдога тўғри ва тескари таъсири. Ривожланаётган мамлакатлар валюта сиёсатининг умумий хусусиятлари. ХВФ валюта сиёсатига нисбатан талаблари. Валюта сиёсатини либераллаштиришнинг миллий иқтисодиётга ва хорижий инвестициялар жалб қилишга таъсири. Бреттонвудс валюта тизими инқироzi: моҳияти, сабаблари, намоён бўлиш шакллари, ривожланиш босқичлари. Европа Иттифоқида валюта интеграцияси муаммолари. Валюта чекловлари: сабаблари, моҳияти, шакллари. Валюта чекловларининг асосий хусусиятлари. Валюта рискининг турлари, бошқариш усуллари ва уларнинг моҳияти. Халқаро ҳисоб-

китобларнинг моҳияти, асосий хусусиятлари ва шакллари. Халқаро кредитнинг шартлари ва шакллари. Халқаро кредитлар бўйича қарздорлик муаммоси ва уни ҳал қилиш йўллари.

ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Асосий адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.: Ўзбекистан, 2018 й.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Марказий банк тўғрисида”ги қонуни. 15.11.2019, №ЎРҚ-582.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонуни. 2019 йил 07 ноябрь, №ЎРҚ-580.
4. “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 23 ноябрдаги ЎРҚ-730-сонли Қонуни.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги (янги таҳрири) қонуни. 22.10.2019, №ЎРҚ-573.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида”ги Қонуни. 2019 йил 07 ноябрь, №ЎРҚ-578
7. Ўзбекистон Республикасининг “Бюджет кодекси”. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 52-І-сон; 2014 й., 36-сон, 452-модда; 2015 й., 52-сон, 645-модда; 2016 й., 52-сон, 597-модда; 2017 й., 1-сон, 1-модда, 24-сон, 487-модда.
8. Фуқаролар учун бюджет 2020 лойиҳа. БМТТД ва ЎзР Молия вазирлигининг “Ўзбекистонда давлат молиясини бошқаришни ислоҳ қилишга қўмаклашиш”деб номланган қўшма лойиҳаси доирасида тайёрланди. Тошкент, 2019.
9. Ўзбекистон Республикасининг “Солиқ кодекси”. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2019 й, 52 (І)-сон.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномаси.
11. Ўзбекистон республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармони.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги «Рақамли Ўзбекистон - 2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги ПФ-6079-сон Фармони
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сон “2020 — 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида” Фармони. - www.lex.uz
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 сентябрь “Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5177-сон Фармони.
15. Ўзбекистон Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 9 январдаги “Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5296-сонли Фармони.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 25 февралдаги ПҚ-4210 - сонли “Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинглар ва индекслардаги ўрнини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. lex.uz
17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 июлдаги “Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5116-сон Фармони.
18. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2022 йил 20 декабрдаги Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси
19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 28 августдаги “Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишни янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 677-сон Қарори.
20. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 29 июндаги “Маҳаллий бюджетларнинг даромадлар базасини кенгайтириш захираларини аниқлаш ишларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 445-сон Қарори.
21. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: 2021. – 460 б.
22. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
23. Мирзиёев Ш.М. Танкидий таҳлил, катъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017. – 104 б.
24. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017. – 48 б.
25. Деньги, кредит, банки: учебник / кол. авторов; под ред. засл. Деят. Науки РФ, д-ра экон. Наук, проф. О.И. Лаврушина. – 9-е изд., стер. – М.: КНОРУС, 2010. 560 с.
26. О.И. Лаврушина, О.Н. Афанасьева. Банковское дело: современная система кредитования: учебное пособие. – М.: КНОРУС, 2021. – 358 с.
27. Абдурахмонов И., Абдураимова М., Абдуллаева Н. Суғурта назарияси ва амалиёти. Дарслик. –Т.: Иқтисод-молия.– 420 б.
28. Кенжаев И.Г., Матиязова С.Р., Адилова Г.Дж. Суғурта маҳсулотларини сотишни ташкил этиш. Ўқув қўлланма.-Т.: “Иқтисод-молия” нашриёти. – 460 б.
29. Кенжаев И.Г., Абдураимова М., Абдуллаева Н. Суғурта бизнеси. Ўқув қўлланма.-Т.: “Иқтисод-молия” нашриёти. – 281 б.
30. Юлдашев О.Т., Закирходжаева Ш.А. Ҳаёт суғуртаси. Дарслик. Т.: “Нихол-принт” нашриёти. – 306 б.
31. Абдурахмонов И.Х., Кенжаев И.Г. Суғурта менежменти. Ўқув қўлланма.-Т.: “Нур дурдоналари” нашриёти. – 216 б.
32. Маврулова Н.А. Суғуртада ахборот технологиялари. Ўқув қўлланма. Т.: “Нихол-принт” нашриёти. – 107 б.

33. Шеннаев Х.М. Ўзбекистон Республикасида суғурта фаолиятини ривожлантириш йўналишлари. Монография. - Т.: “Иқтисод-молия” нашриёти. – 334 б.
34. Юлдашев О.Т. Ўзбекистонда ҳаёт суғуртасини ривожлантиришнинг концептуал асослари. Монография. – Т.: “Интеллект” нашриёти. – 290-б.
35. Якубова Н.Т. Суғурта фаолиятида бизнес жараёнларини такомиллаштириш. Монография. - Т.: “Иқтисод-молия” нашриёти. – 137 б.
36. Базаров З.Х. Ўзбекистонда тиббий суғурталаш амалиётини такомиллаштириш. Монография. - Т.: “Иқтисод-молия” нашриёти, 2021.
37. A.Burxanov, O. Hamdamov. Moliyaviy menejment. Darslik. -Т.: «Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи», – 2020. -468 bet..
38. A.Jo`rayev va b. Jismoniy shaxslarni soliqqa tortish. Darslik. -Т.: Iqtisodiyot-Moliya. 2019.-350 b.
39. A.Jo`rayev va b. Yuridik shaxslarni soliqqa tortish. Darslik. -Т.: Iqtisodiyot-Moliya. 2019.-350 b.
40. A.Shernaev, O.Kamolov. Davlat qarzlarni boshqarish. Darslik. Т.: Iqtisodiyot-Moliya. 2019.-314 b.
41. Jo`rayev A.S., Safarov G`A., Meyliyev O.R. Soliq nazariyasi. O`quv qo`llanma. Т.: Iqtisodiyot-Moliya. 2019.-358 b.
42. Malikov.T.S. Budjet soliq siyosati. O`quv qo`llanma. Т.: Iqtisodiyot-Moliya. 2019.-652 b.
43. S.S.Aliyeva, Z.O.Axrоров. Moliya: Korxonalar moliyasi. Darslik. Т.: Iqtisodiyot-Moliya. 2018.-268 b.
44. Sh.Shoxa`zamiy. Moliya bozori va qimmatli qog`ozlar. Darslik. Т.: Iqtisodiyot-Moliya. 2012.-440 b.
45. T.Malikov, O.Olimjonov. Moliya. Darslik. -Т.:Iqtisodiyot-Moliya. 2019. - 969b.
46. Vahobov A.V., Jo`rayev A.S. Soliq va soliqqa tortish. Darslik. Т.: Iqtisodiyot-Moliya. 2018.-408 b.
47. X.M.Shennayev, I.K.Ochilov, S.E.Shirinov, I.G`. Kenjayev. Sug`urta ishi. O`quv qo`llanma. "Tafakkur bo`stoni". Т.: Iqtisodiyot-Moliya . 2014.-272 b.
48. А. Сахирова. Страхование. Учебное пособие. М.: ТК Велби, Изд-во Проспект. 2015.-744 с.
49. А.М.Балтина, В.А.Волохина. Н.В.Попова. Финансовые системы зарубежных стран. Учебное пособие. СПб.: Питер. 2016.-304 с.
50. А.С.Жураев, Л.И. Гончаренко, У.А.Бердиева. Налоговое администрирование. Учебное пособие. Т.: Iqtisodiyot-Moliya. 2019.-649 с.
51. Абдуллаева Ш. «Банк иши»,Тошкент 2019 й.
52. Банковское дело: Учебник. У.Азизов и друг. -Т.:”Iqtisod-Moliya”. 2019. -720 с.
53. Бурханов А.У., Худойкулов Х.Х. Молия бозори ва инвестициялар. Дарслик. –Тошкент: Маънавият, 2021. -528 б.

54. В.В.Ковалев. Курс финансового менеджмент. Учебник. М.; Перспектива. 2014.-480 с.
55. Вахобов А.В., Срожиддинова З.Х. Государственный бюджет: Учебник Т., «Иктисод-молия», 2006, 625 с.
56. Дворецкая А.Е. Денги, кредит, банки. Учебник, 2-е издание. –М.: Юрайт, 2017. -472 стр.
57. И.А.Майбуров и др. Налоги и налогообложение. Учебник. 4-издание. М.:ИНФРА-М. 2017.-555 с.
58. И.Я.Лукаевич. Финансовый менеджмент. Учебное пособие. М.; Эксмо. 2016.-552 с.
59. Қ.Базаров. Солиқ маъмурчилиги. Дарслик. Т.: Инновацион ривожланиш наشريёти -матбаа уйи. 2021. - 299 б.
60. Қ.Тухсанов. Солиққа кириш. Дарслик. Т.: Инновацион ривожланиш наشريёти -матбаа уйи. 2021. - 241 б.
61. Маликов Т., Хайдаров Н. Бюджет (тизими, тузилмаси, жараёни). Ўқув қўлланма. Т.: Иктисод-молия, ТМИ – 2008, 98 б.
62. Мўминова М., Насриддинов Ф., Мамадияров З. “Банк операцияларини суғурталаш”, ўқув қўлланма ТДИУ, 2019 й.,136 б.
63. Н.А.Бондарева. Финансы, налоги и налогообложение. Учебник. М.: Университет синергия. 2018.-128 с.
64. Н.И.Яшина, М.Ю.Гинзбург, Л.А.Чеснекова, Е.А.Иванова. Налоги и налогообложение практикум. Учебное пособие. М.:ИНФРА-М. 2019.-118 с.
65. Налоги и налогообложение. Под редакцией проф. М.В.Романовского. Учебник. 3-е. издание. М.: Юрайт. 2014,-441 с.
66. О.Ю.Воробжит, В.А.Водопьянова. Налоги и налогообложение. Учебное пособие. М.:ИНФРА-М. 2018.-175 с.
67. Рашидов О.Ю. ва бошқалар. Пул, кредит ва банклар, Тошкент 2010 й.
68. Страхование. Под редакцией Т.А.Федоровой. Учебник. М.: Магистр. 2016.-1006 с.
69. Теория и история налогообложение. Под редакцией проф. Д.Г.Черника. Учебник. 3-е. издание. М.: Юрайт. 2014.-364 с.
70. Тожиев Р., “Халқаро валюта-кредит муносабатлари”, дарслик, -Т.: “IQTISODIYOT”, 2019 й., 296 б.
71. Тоймухамедов И. “Халқаро банк иши”, ўқув қўлланма -Т.: “IQTISODIYOT”. 2019 й.- 176 б.
72. Ataniyazov J. Xalqaro moliya munosabatlari. Darslik. – М.: “Iqtisod-moliya”. 2020. - 612 b.
73. Ataniyazov J., Xamidova F., Pulatova M. “Xalqaro moliya institutlari”. O’quv qo’llanma. Т.: “Iqtisod moliya”. 2020 y. – 155 b.
74. Bobaqulov T.I., Abdullaev U.A. “Xalqaro valyuta-kredit munosabatlari” Darslik. - «Iqtisod-Moliya» - Toshkent, 2019 yil , 232 b.
75. Jumayev N.X., Ataniyazov J.X. va Alimardonov E.D. Xalqaro valyuta-kredit

munosabatlari (1-qism). Darslik. Iqtisod-moliya. 2020. – 168 b.

76. Финансы, денежное обращение и кредит. Под редакцией проф. М.В.Романовского. Учебник. 3-е. издание. М.: Юрайт. 2018,-523 с.

77. Финансы, денежное обращение и кредит. Учебник / коллектив авторов; под ред. Т.М. Ковалевой. — М.: КНОРУС, 2016. — 168 с.

78. Финансы. Под редакцией проф. М.В.Романовского. Учебник. 5-е. издание. М.: Юрайт. 2016,-554 с.

Кўшимча адабиётлар

1. Эскиндаров М., Звонова Е. Международные валютные отношения. Учебник. – М.: КноРус, 2020. – 542 с.

2. Балабанов А.И., Боровкова Вик. Банки и банковское дело: учебник. 2-е изд. –СПб.: Питер, 2007.-448с.

3. Эшов М., Бурханов А., Хасанов Х., Баратова Д., Носиров Ж. Суғурта иши асослари. Дарслик. -Т.: Маънавият, 2023. -488 б.

4. Жуков А.В. Денги, кредит и банки: учебник. 2-е изд. Москва, 2014г.

5. Кузнецов Н., Константин К., Алифанова Е. Финансы и кредит. Учебник. – М.: КноРус, 2016. -432 стр.

6. Михайленко М.Н. Финансовые рынки и институты. Учебник. 2-е изд. –М.: Юрайт, 2016. -336 стр.

7. Бюджетнома 2024-2026. -Тошкент, 2023. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва Молия вазирлиги.

8. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг “Тижорат банкларида корпоратив бошқарув тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги Қарори, 26.02.2019, №943-5.

9. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг “Ўзбекистон Республикаси банкларида депозит операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги Қарори, 19.03.2019, №2711-4.

10. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг “Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қарори, 06.03.2019, №2693-5.

Интернет сайтлари

1. www.cbu.uz
2. www.forex.com
3. www.iqtisodiyot.uz
4. www.lex.uz
5. www.sciencedirect.com
6. www.scopus.com
7. www.stat.uz